


## Асосий ҳукукий ҳужжат

“Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларнинг эркин ахборотга эга бўлиш кафолатидир



Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода эта олиш учун кучли билимли инсонларни тарбияламасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг тамал тоши ҳисобланади.

3-бет

### Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

FPD China 2011 кўргазмасида Samsung Electronics компанияси 55-дюймлик экранга эга 3D-телевизорни намоиш этди. Эътиборли жиҳати, телевизордан ҳеч қандай кўзойнақсиз фойдаланса бўлади.

Яна бир ўзига хос жиҳати, телевизорни учинчи ўлчамдан оддий “ясси” тасвир тартибига ўтказиш мумкин.

Samsungнинг ушбу янги рўсумдаги телевизиори тасвирни юқори тиниқликдаги 1920x1080 пиксел ўлчамда аке эттира олади, унинг экрани эркинлиги 500 кд/кв. М, тиниқлиги 4000:1ни ташкил этади.

### Ушбу сонда:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши	2
Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясида	4
“ЎзАлоқаКонсалтинг” — надежный партнер на рынке консалтинговых услуг	6
Шахсий маълумотлар кибержиноятчилар нигоҳида	11
Ucellда 8 миллион абонент	14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар



## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 март куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва Марказий ҳарбий кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Лян Гуанлени қабул қилди. Учрашувда сиёсий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Жорий йилнинг 21 март куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сўзга чиқиб, халқимизни қутлуг айём — Наврўз билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида давра суҳбатлари ташкил этилди. Қўйи палата депутатлари, вазирликлар, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирларда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган йиғилишидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макро-иқтисодиёт ва прогнозлаштириш институтида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари халқаро бозорга чиқишининг ҳуқуқий ва институционал муаммолари" мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Тошкентдаги Бобур номидаги маданият ва истроҳат боғида Республика Байналмилал маданият маркази томонидан "Наврўзи олам муборак!" номи маърифий тадбир ўтказилди. Унда турли ижодий ва жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, юртимиздаги хорижий дипломатик корпуслар ва халқаро ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Гулистондаги Маънавият ва маърифат марказида ёш мусавирларнинг "Сен баҳорни соғинмадингми?" деб номланган кўргазмаси ташкил этилди. Унда мусиқа ва санъат мактабларининг 80дан зиёд ижодий ишлари намойиш қилинди.

Урганч ва Нукус шаҳарларида молиявий хизматлар ярмаркаси бўлиб ўтди. "Ўзбек Лизинг Интернейшл АО" компанияси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда 15га яқин хориж компанияси ўзларида ишлаб чиқарилган технологик жиҳозларни намойиш қилди.

# Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида  
Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация  
технологияларини ривожлантириш бўйича  
Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги  
йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилишда мамлакатимизда идораларо электрон ҳужжат айланиш тизимларини мувофиқлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга жалб этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси, кўрсатилган интерактив давлат хизматларини янада кенгайтириш мақсадида ҳукумат портали орқали мурожаатларни электрон шаклда қабул қилишни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Идораларо электрон ҳужжат айланиш тизимларини мувофиқлаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича тегишли ахборотлар тингланди ва электрон ҳужжат айланишининг идораларо тизими

ни яратиш концепцияси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 9-синф битирувчиларини касб-хунар таълими билан тўлақонли қамраб олиншини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросининг бориши таҳлил қилинди. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури" доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида давлат органлари томонидан кўрсатилган интерактив давлат

хизматларини янада кенгайтириш, хўжалик субъектлари ва аҳоли мурожаатларини электрон шаклда қабул қилиш тизимларини такомиллаштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан давлат органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳолати Тошкент вилояти ҳокимлиги фаолияти мисолида батафсил кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ва таклифлар берилди. Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

TA'LIM VA AKT

## Қарор амалда



Бухоро вилоятида "Ziyonet" ахборот-таълим тармоғига уланган ўқув муассасалари сони яна биттага кўпайди. Бухоро туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчи ёшлари ана шундай замонавий ахборот воситасидан унумли фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, 702 нафар ўғил қизга 56 нафар малакали педагог таълим-тарбия бераётган мазкур масканда кластер синфлар ҳам ташкил этилиб, улар тегишли ахборот технологиялари билан жиҳозланган. Бу эса мактаб педагогик жамоаси ва ўқувчиларининг ахборот таълим тармоғи ёрдамида дунё ва мамлакатимиз илм-фани соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишларида муҳим аҳамият касб этапти.

Дарҳақиқат, "Ziyonet" тармоғи нафақат ўқитувчилар ва ўқувчиларни, балки мактаб кутубхоначилари учун ҳам ниҳоятда қулай ва тезкор ахборот воситаси ҳисобланади. Тегишли мавзудаги зарур маълумотларни

олишда, у ёки бу санага бағишланган тадбирлар ва кечаларни ўтказишда интернетга мурожаат қилинаётганлиги қутулган самарани берапти. Жумладан, газал муқининг султони Алишер Навоий ва Заҳридин Муҳаммад Бобур ижодида бағишланган ўтказилган тадбирни тайёрлашда замонавий ахборот воситасидан кенг фойдаланганлиги туфайли бу ерда ҳозир бўлган барча кишилар ўзига хос маънавий озиқ олдилар. Шу тариқа уларнинг буюк бобокалонларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтироми янада ошди. Бундай фойдали тадбирлар ҳамюртларимизни, айниқса, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутishi ўз-ўзи-

дан аён. Замонавий алоқа воситаси — интернет ана шу буюк мақсадга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Мухтасар қилиб айтганда, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ziyonet" ахборот-таълим тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бугун Бухоро вилоятида ҳам изчил бажарилмоқда. Вилоятдаги таълим муассасаларидан шу кунга қадар 478 тасининг ушбу замонавий тармоққа уланганлиги ва ундан кенг фойдаланилаётганлиги бунинг далилидир.

Асқар ИСТАМОВ,

"Xabar"ning

Бухоро вилоятидаги мухбири

## Танлов: Энг яхши деворий газета

Тошкент ахборот технологиялари университетида Наврўз байрами муносабати билан факултетларо "Энг яхши деворий газета" кўрик-танлови ўтказилди.


Танловда факултетлар томонидан тақдим қилинган деворий газеталарнинг умумий кўриниши, безатилиши, мазмун-моҳияти инobatга олиниб, комиссия аъзолари ўз хулосаларини чиқарди. Унга кўра, 1-ўринга радиоалоқа ва радиоэшиттириш технологиялари факултети талабаларининг деворий газетаси, 2-ўринга телевизион технологиялар факултети, 3-ўринга

ахборот технологиялари факултети ва телекоммуникация факултети талабаларининг деворий газеталари лойиҳ деб топилди.

Кўрик-танловда фаол иштирок этган талабалар университет раҳбарияти томонидан faxрий ёрликлар билан тақдирланди.







# Асосий ҳуқуқий ҳужжат

## “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун фукароларнинг эркин ахборотга эга бўлиш кафолатидир

(Давоми. Бошланғиши 1-бетда.)

Мамлакатимизда асрларга тенгдош миллий анъаналар, урф-одатлар, анъанавий турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олиб, давлат ва жамиятни янгилаш ҳамда тараққий эттиришга йўналтирилган ислохотлар билан бирга, кутубхоначилик соҳасида ҳам ижобий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори кутубхоначилик ишида тарихий воқеа бўлиб, анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан замонавий ахборот технологияларига асосланган ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга асос солинди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланган асрда ахборот сиёсати маданий сиёсатнинг бир бўлаги ҳисобланади.

Бинобарин, кутубхона ишида фойдаланувчиларга ахборот-коммуникация технологиялари орқали сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ устувор вазибаларни амалга ошириш ва миллий электрон ресурсларни шакллантириш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида Баркамол авлод йили Давлат дастурига асосан тегишли қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва тақдим этилиши барчамиз учун қувонарли, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Мақамаси томонидан “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси 2010 йил 2 июлда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида соҳа мутахассислари, олимлар ва экспертлардан иборат махус ишчи гуруҳи тузилган ҳолда фаолият олиб борилди. Қонунчилик палатаси томонидан қонун лойиҳаси аҳолининг ахборотга бўлган талабини ва қизиқишини қондиришда долзарб ва муҳим эканлиги инобатга олиниб, 2010 йил 30 июл куни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди.


Қўмита томонидан қонун лойиҳасини маромига етказиш юзасидан соҳа мутахассислари ва экспертларни жалб этган ҳолда 36 марта ишчи гуруҳининг йиғилишлари ўтказилди. Бундай муҳокама жараёнларида билдирилган конструктив таклифлар қонун лойиҳасининг нормаларида акс эттирилди.

Қонун лойиҳаси янада мукамал бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девоми, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги

қонун ҳужжатлари мониторингинг институтини, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Девоми юридик бўлими ҳамда бир қатор вазирилик ва идораларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ўрганилди, жумладан, Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Алоқа ва ахборот-кутубхона лаштириш агентлиги, Тошкент Давлат юридик институтини, Фалсафа ва ҳуқуқ институтини, Тошкент Давлат маданият институтининг таклифлари олинди.

Иккинчи ўқишга тайёрланган “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида атрофлича муҳокама этиш мақсадида жорий йилнинг 15 октябр куни “Ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари” мавзусида республика видеоконференцияси ўтказилди. Худудий видеоконференция кўринишида ташкил этилган очиқ мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди вазирилик ва идоралар вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги студияларда, жойлардаги ахборот-кутубхона муассасаларининг 500 нафардан зиёд раҳбар ва ходимлари муҳокама этилган қонун лойиҳаси юзасидан 50 дан зиёд конструктив таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Видеоконференциянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда масала барча худудлар билан боғланган ҳолда кенг ва атрофлича муҳокама этилди. Анжуманнинг ноанъанавий тарзда ташкил этилгани, талбирда бевосита соҳанинг кўп йиллик тажрибага эга



Ушбу қонун республика аҳолисини кўрсатилаётган хизматларнинг янги турини шакллантириш, кутубхоналарнинг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс маркази сифатида янги мавқени белгилаш, турли идораларга тегишли ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлиги бўйича муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда миллий ва жаҳон ахборот ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашда асосий ҳуқуқий ҳужжат вазибасини бажаради.

малакали мутахассисларининг фаол иштирок этишлари ва амалий таклифлари билдиришлари натижасида ушбу қонун лойиҳасининг янада мукамаллашуви ва ундан жамоатчиликнинг хабардор бўлишига эришилди.

Шунингдек, 22-24 сентябр кунлари Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Саммит доирасида ўтказилган давра суҳбати, 27-29 октябр кунлари Ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш бўйича “Central Asia-2010” 6-халқаро конференция, 5 ноябр куни Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида ўтказилган семинар қонун лойиҳасини янада маромига етказишда муҳим аҳамият касб этди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда 2011 йил 23 февралдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари сифатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқлаштирилиб, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш бўйича бир қатор янги нормалар билан тўлдирилиб, китобхоналар учун янада кенг имкониятлар яратилди.

“Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 март куни иккинчи ва учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Қонун ахборот-кутубхона муассасаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш, фондини тўлдириш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, айниқса, айрим тоифадаги фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг алоҳида шартлари белгила-ниши билан янада аҳамиятлидир. Ушбу норманинг киритилиши билан жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ресурсларини махус ахборот манбаларидан олиш, ихтисослашган техник воситаларни етказиб бериш ва улардан фойдаланиш учун алоҳида шарт-шароитлар яратиш кафолатланади.

Қонун олдида турган асосий вазибалардан бири ахборот-кутубхона иши соҳасида давлат сиёсатини белгилаш ва ахборот-кутубхона қонунчилиги асосида ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини давлат томонидан бошқариш механизминини яратишдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси 7 боб ва 28 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади ахборот-кутубхона фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг ахборот-кутубхона муассасаларида сақланаётган ахборотлардан эркин фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни кафолатларини таъминлашдан иборат эканлиги билан мамлакатини модернизация қилиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазибаларни амалга оширишда асосий омиллардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қонун республика аҳолисини кўрсатилаётган хизматларнинг янги турини шакллантириш, кутубхоналарнинг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс маркази сифатида янги мавқени белгилаш, турли идораларга тегишли ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлиги бўйича муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда миллий ва жаҳон ахборот ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашда асосий ҳуқуқий ҳужжат вазибасини бажаради.

Ҳафиза ҚАРИМОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ХДП фракцияси, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси



## Xalqaro haqot



### Япония: КУРБОНЛАР СОНИ ОШМОҚДА

Зилзила ва цунами оқибатида Японияда ҳалок бўлганлар сони тўққиз минг 301 кишига епти.

Мамлакат полицияси берган расмий маълумотга кўра, қурбон бўлганларнинг анча қисми — беш минг 607 нафари Мияги префектурасига, икки минг 875 нафари эса Иватэ префектурасига тўғри келади. 13 минг 786 киши дараксиз йўқолган бўлса, уч мингта яқин одам турли даражада жароҳатланган.



### РАКЕТА ЗАРБАСИГА ЖАВОБ

Reuters агентлиги хабар беришича, Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо минтақасига авиазарбалар берган. Натижада камиди саккиз киши қурбон бўлган.

Исроил ҳаво ва артиллерия зарбаларини ўз ҳудудига бўлган отишмаларга жавоб эканлигини таъкидламоқда. Гап шундаки, қоршанба кунги тонгда фаластиликлар Исроилнинг одамлар истиқомат қиладиган Беэр-Шева кварталига ракета орқали зарба берган. Бунинг оқибатида бир неча одам жабр кўрган. Кейинроқ эса пойтахт Тел-Авивда бошқа ракета портлаган.

### АХОЛИ ХАВФСИЗ ЖОЙГА КЎЧИРИЛМОҚДА

Австралияда тинмай ёғатган ёмғир мамлакатда сув тошқинини юзага келтирди, деб хабар беради RATA-TASS агентлиги. Табиий офат оқибатида Янги Жанубий Уэлс штатининг Иллаварри, Госфорд, Киами, Воллонгонда ҳудудлари жиддий талофат кўрган. Минглаб тураржойлар сув остида қолган. Йўлларда автомобиллар ҳаракати вақтинча тўxtатилган. Айни дамда аҳоли хавфсиз жойга кўчирилмоқда.

### ЧОРАГА ҚАРШИ ЧОРА

Европа Иттифоқининг 27 мамлакати ташқи ишлар вазирлари Евроиттифоқ ҳудудига кириши тақиқланган беларуслик амалдорлар рўйхатини кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилишди. “Беларусда инсон ҳуқуқларига амал қилиш аҳоли ёмонлашгани билан боғлиқ бўлган” ЕИ қарорига кўра, санкция Беларус ҳукумати раҳбарларидан яна 19 нафарига қаратилган.



Хабарларга қараганда, Беларусда ҳам ЕИ санкциясига нисбатан жавоб чоралари тайёрланмоқда. Ушбу чоралар ЕИ ва АҚШлик 150 дан ортиқ шахс, жумладан, Европарламент раиси Ежи Бузек ҳамда бошқа сиёсатчилар ва журналистларга тааллуқлидир.

### ДУНЁДАГИ ЭНГ КИЧИК ВИДЕОКАМЕРА

Германиянинг Фраунхофер институти олимлари Япониянинг Аwaiba компанияси билан ҳамкорликда дунёдаги энг кичик видеокамерани яратдилар. Унинг узунлиги бир миллиметр, тасвирга олиш ҳажми 0,06 мегапиксел, квадрат матрицаси эса 250 пикселга тенг.

Олимларнинг айтишича, ушбу видеокамерадан тиббиёт техникаси маҳсулотлари ва машина-насосликда фойдаланиш мумкин. Маҳсулотни 2012 йилда кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

# Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги ва "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонунлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида, Давлат алоқа инспекцияси ва вилоятлардаги бўлинмаларида "Ишонч телефони" хизмати фаолияти йўлга қўйилган.

"Ишонч телефони" хизмати тўғрисида маълумотларни истеъмолчилар эътиборига етказиш учун Жиззах вилояти ҳудудига алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият олиб бораётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш жойларига маълумотлар жойлаштирилган. Ундан ташқари, маҳаллий телевидение орқали эълонлар бериб борилмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларидан фойдаланувчи истеъмолчилардан "Ишонч телефони" хизматига мурожаатлар келиб тушади.

Мурожаатларни ўрганиб чиқишда ҳар бир ҳодимдан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини яхши билиши ҳамда ҳар томонлама ҳолисона кўриб чиқиши талаб этилади.

2010 йил давомида Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекциясига истеъмолчилардан тушган мурожаатларнинг 65 фоизи соҳада фаолият юритаётган корхоналар айби билан юзага келган мурожаатлардир.

Корхона айби билан бўлган мурожаатларнинг 17тасидан 8таси "O'zbektelekom internetshnl" масъулиятни чекланган жамиятнинг "ЎЗИ-Жиззах" филиалига ва 9таси "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиалига тўғри келади.

Корхона айби билан бўлган шикоятларни ўрганиш жараёнида мазкур филиалларнинг масъул ходимлари томонидан алоқа хизматларини кўрсатилишида норматив ҳужжатлар талабларига амал қилинмаганлиги натижасида истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлган.

Корхона айби билан бўлган иккита шикоятни мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, улар қуйидагича:

— Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро И.Мамидов томонидан хонадондаги телефон носозлиги ва носозликни бартараф этиш юзасидан қилган мурожаатлари ижобий ҳал бўлмаётганлиги юзасидан қилган мурожаатни ўрганиб чиқилганда, "ЎЗИ-Жиззах" филиали томонидан истеъмолчининг телефони норматив ҳужжатларда белгиланган назорат муддатларида ишлатиб берилмаганлиги аниқланган.

Жиззах туманида истиқомат қилувчи фуқаро Х.Ражаббеков 2009 йил 22 сентябр кунги Жиззах почта алоқаси тармоғининг умумий бўлими орқали жўнатилган иккита хабарномали буюртма хатларнинг хабарномасини 2010 йил феврал ойида ҳам олмаганлиги тўғрисида қилган мурожаати ўрганилганда, жўнатмаси юборилганлиги беш ой бўлган бўлса-да, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали "Работ" почта алоқаси бўлимида иккита буюртма хатларининг хабарномалари олувчига етказилмасдан сақланаётгани аниқланган. Мазкур хабарномалар олувчига мурожаатни ўрганиш жараёнида етказиб берилган.

Бунинг натижасида "ЎЗИ-Жиззах" ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиаллари томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг талаблари бузилишига йўл қўйилган.

Корхона айби билан юзага келаятган шикоятлар фақат истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишларидан ташқари, кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатининг пасайишига ва бунинг оқибатида сифатта доир норматив ҳужжатлар талабларининг бажарилмаслигига олиб келмоқда.

Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекцияси ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатининг пасайишига ва бунинг оқибатида сифатта доир норматив ҳужжатлар талабларининг бажарилмаслигига олиб келмоқда.

Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекцияси ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатининг пасайишига ва бунинг оқибатида сифатта доир норматив ҳужжатлар талабларининг бузилишига йўл қўйган икки мансабдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 153-моддасига асосан маъмурий жазо чоралари қўлланилган. Шунингдек, ўз хизмат ва тақорламалик чорали билан ёндашган тўққиз нафар масъул айбдор ҳодимга ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли буйруқлари билан интизомий чоралар кўрилган.

Истеъмолчилардан тушаётган мурожаатлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъул ходимлари билан биргаликда ўрганилиб, йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш ва тақорламалик чораларини кўриш бўйича инспекция томонидан тегишли тавсиялар бериб келинган ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан масъул ходимларга нисбатан интизомий чоралар кўрилган бўлса-да, корхоналар айби билан бўлаётган шикоятлар келиб тушмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ўзларининг масъул ходимларидан хизмат вазибаларини сидққилддан бажариши ва норматив ҳужжатлар талаблари асосида ишларни ташқиқ этиш учун талабчанликни ошириш лозим.

Ушбу тавсияларимиздан ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари тегишли хулосалар қиладилар, деган умиддамиз. Зеро, шундагина истеъмолчиларга сифатли хизматлар кўрсатиш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олди олинган бўлар эди.

О.ДОБИЛОВ,  
Жиззах вилояти  
ДАН бошлиғи

## Килмиш-кидирмиш

Инсон онли мавжудот. Унга "Мана бу нарсани қил, бунисини қилма", деб ўргатишга ҳожаат йўқ. Ҳар бир шахснинг ўз фикри, ўз дунёқарashi мавжуд. Лекин беш қўл баробар эмас, деган мақол ҳам бежизга айтилмаган.

Соҳта талбиркор Т.Р. ва унинг сотувчиси Ш.А. ўзлари қилаётган ишни халқ, аҳоли учун фойдали, деб ҳисоблашган. Шу мақсадда турли мазмундаги дисклар — концертлар, бадиий ва ҳўжатли филмларни сотувга чиқариб, фойда кўришган. Уларнинг фойдаси бошқа бировнинг онги ва маънавияти бузилишига сабабчи бўлгани ачинарли ҳол. Сабаби, дискфурушлар мижоз чақирини мақсадида порнографик мазмундаги маҳсулотларни ҳам савдога қўйишган эди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани, Қатортол мавзесида "...Отчопар" МЧЖга қарашли дўкон ижараси юзасидан оғзаки битимга келишган Т.Р. мазкур гўшани кино ва концерт, қолаверса, беҳаё филмлар икслосмандлари йиғиладиган жойга айланган.

"Қўлбола усулда тайёрланган контрафакт аудио-видео дисklarнинг бозори чаққон. Уларга

руҳсатнома олиш ҳам шарт эмас. Бирор текширувчи келса, ўзим гаплашаман..." Тнинг бу гапларини қулоғига сирга қилиб илиб олган Ш. бирортаси келса, дарҳол унга қўнғироқ қилар эди.

Фуқаро Маликов янги диск икслосмандлардан бири. У дўконга кириб, икки дона порнографик мазмундаги дискни 6000 сўмга харид қилганида, сотувчи унга на чек ва на унга тенглаштирилган квитанция берди. Бу сотувчи бунинг олдий ҳол, сабаби, тегишли органлар рўйхатидан ўтмаган шахсда қандай қилиб чек бўлсин?..

Хуллас, департаментнинг Чилонзор тумани ходимлари томонидан ўтказилган тезкор талбир қонунбузарларнинг фаолиятига чек қўйди. Улар судда ўз жазосини олишди.

Шоҳруҳ ИБРОҲИМОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридagi  
СВОЖДЛҚК департаменти  
Тошкент шаҳар Яхкасарой тумани  
суриштирувчиси



# Ўзгача шукху билан

**Соғиниб кутган фаслимиз – баҳор келди. Кўклам ифорида пок кўнгиллар масрур ва мамнун. Чоратрофга бокканинг сари яйраб кетасан. Хар кадамда уйғониш ва янгиланиш нафаси сезилиб турибди.**

Шундай беқиёс ва бебаҳо неъматларга бой Наврўзни серкўёш диёримиз аҳли ўзгача шукху билан кутиб олди. Зотан, барчамиз эрк ва хурлик, озодлик ва ободлик ато этган мустақилгимизнинг кутлуғ йигирманчи баҳорига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу айёмли дамлар, айниқса, Сурхон воҳаси учун унутилмас бўлиб қолади. Ҳозир “Баркамол авлод-2011” спорт ўйинлари республика мусобақаси олдидан бошланган ҳаракат айна авжи палласига чиққан. Биргина Термиз шаҳрида қад ростлаётган ўн минг ўринли ўйингоҳ ташвиши билан ўн олти ишчи гуруҳи шуғулланмоқда. Улардан бири алоқа ва ахборотлаштириш йўналиши бўлиб, вилоят алоқа корхоналарини чинакам синовдан ўтказмоқда.

Асосий масъулият “ЎЗИ-Термиз” филиали аъзолари зиммасига тушган. Улар Олимпия захиралари коллежи ҳамда янги ўйингоҳни телефонлаштириш ва интернет тармоғига улашдек мураккаб, ўз навбатида, шарафли ишга ўзларини камарбаста билишмоқда. Жамоа мутахассислари, хизматчилари кучи билан қарийб 500 метрлик канализация қурилди. 650 метр “ТПП-50х2”, 330 метр “ТПП-30х2” ва 300 метр “ТПП-20х2” русумли кабеллар тортилди. Бунинг эвазига бир йўла 50та электрон рақамли телефон ўрнатиш, интернет

хизматини кенг йўлга қўйиш имконияти яратилди. Бажарилаётган ишда Шокир Норқўчқоров бошлиқ шаҳар телефон тармоғи аъзолари алоҳида ўрнатилмоқда.

Шу билан бирга, Ат-Термизий шохқўчасида жойлашган вилоят алоқа уйи биносини замонавийлаштиришни ҳам филиал қурилиш бригадаси амалга оширмоқда. Яқин вақт ичида тўрт қаватли иншоот ва Термиз курантида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари яқунланган, шаҳар кўркига-кўрк қўшилади. “Баркамол авлод- 2011” спорт ўйинлари республика мусобақаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ва Ҳақим ат-Термизий хотира-сига ба-

ғишланган Халқаро кураш мусобақаси олдидан бошланган хайрли жараён нафақат Наврўз, балки Мустақилликнинг 20 йиллик тўйига ҳам муносиб тўёна тайёрлаш имконини беради. Шу боис Нормурод Кенжаев бошлиқ курувчилар қимматли вақтдан унумли фойдаланишмоқда.

“ЎЗИ-Термиз” филиалининг Наврўз байрамига бағишланган Сумалак сайли яратувчанликка бахшида серкўёш кунларга ҳамоҳанг бўлди. Сайил қатнашчиларини филиал раҳбари Аъзамжон Дониёров улуг айём билан табриклади. Аҳил жамоа аъзолари янги кун ва янги йил ҳар томонлама баракали келишига катта умид боғлашди.

**Нортожи ЗИЁЕВ**



## Сўрилганда сумалак сайли

Бу йилги баҳор фасли ҳам ўзининг бетакорлиги ва таровати билан ходимларимиз қалбига ўзгача шукху бахш этди. Ҳашар халқимизнинг асрлардан-асрларга ўтиб келаётган бебаҳо қадриятлардан бири саналади, 12-13 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашари хайрли ташаббуслар самараси бўлди.

“Ҳашар – элга ярашар” шиори остида бўлиб ўтган ушбу ҳашарда уч юздан ортиқ ходимларимиз кўтаринки руҳда иштирок этдилар. Шу кунни теварак-атроф чиқиндилардан тозаланиб, корхона ҳудудида ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди, гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Таъкиллаш жонзика, филиалимиз томонидан баҳор фасли бошлангандан буён экологик тадбирлар ўтказилиб, шаҳримизнинг озодлигига муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда. Ҳашардан тушган маблағ Шайхонтоҳур тумани “Маҳалла” жамғармасига ўтказилди ҳамда шаҳримиз кўрки учун шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига 2000дан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берилди.

Эътиборли томонлардан яна бири, баҳор ва янгиланиш айёми бўлмиш Наврўзи олам арафасида корхона раҳбарияти ва касба уюшмаси қўмитаси бошчилигида, еттинчи йилдирки, Сумалак сайли уюштириб келиняпти. 17-18 март кунлари филиалимизда бўлган “Ассалом, Наврўз!” тадбирида ҳам баҳорнинг шох

таоми сумалак пиширилди. Тадбир қатнашчилари ва меҳмонларга байрам дастурхони ёзилиб, сумалак, кўк сомса ва ош тортилди.

Байрам тадбирлари бошланиши олдидан филиал касба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилган иш жойларини безатиб, чиройли ҳолга келтириш бўйича ўтказилган танловга яқун ясалди.

Касба уюшмаси қўмитаси аъзоси, меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис Л.Лебедева голиблар номини эълон қилганида олқишлар янгради. Беш нафар голибга қимматбаҳо совғаларни касба уюшмаси қўмитаси раиси Д.Усмонов топширди.

Шу кунни, анъанага мувофиқ, меҳр-мурувват, хайр-саховат тадбирлари ҳам амалга оширилди. Ёлғиз ва эҳтиёжманд инсонлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Бир сўз билан айтганда, Наврўз нафасидан ҳеч ким четда қолмаётгани миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни йўқотмасликка, дастурхонимизнинг тўкин-сочин бўлишига, инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатида, қолаверса, осмонимизнинг мусаффо ва юртимизнинг тинч бўлишига омил бўлади.

**Маҳмуда АРИПОВА,**  
“ТошТТС” филиали  
маънавий-маърифий ишлар методисти

Энг гўзал, энг қадрли байрамлардан бири Наврўзни шоду хуррамлик билан нишонлаш Тошлоқ тумани почта алоқаси тармоғида анъанага айланган. Кутлуғ байрам олдидан 12-13 март кунлари ўтказилган умумхалқ ҳашарида почта ходимлари фаол қатнашиб, 11та қишлоқ алоқа бўлими ва марказий почтада ободончилик ишлари олиб борилди. Почта жамоаси бирлашиб, атроф-худудларни супуриб-

## Шоду хуррамлик айёми

сидириб, тартибга келтирди. Марказий почта ҳовлисига турли гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Дарахтлар оқланиб, таглари юмшатилади. Экин майдонига сабзавот уруғлари қдалди.

Байрам арафасида бемор, ногирон, кам таъминланган оилалар ва қариялар зиёрат қилиниб, уларга совғалар улашилди.

– Кутлуғ байрам кунини баҳорий неъматлар билан тазалган дастурхонга корхона аъзолари қатори пенсионерлар ҳам таклиф этилди, – деди туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Музаффар Акбаров.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

**Наврўз уйғониш, янгиланиш байрами, мухаббат, меҳр-оқибат байрами. Ушбу кунда кўнгиллар сўралади, одамлар бир-бирларига факат ва факат эзгулик тилайдилар.**

## Истиқлолнинг кўркисан, Наврўз!

Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказилган “Истиқлолнинг кўркисан, Наврўз!” мавзuidaги адабий-муסיқий тадбир ҳам Наврўз умумхалқ байрамига бағишланди.

Тадбирни АКМ директори Ш.Бақоева кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни Наврўз айёми билан табриклади. Шундан сўнг Наврўзнинг келиб чиқиши ва удумлари тўғрисида Навоий Давлат педагогика институти катта ўқитувчиси, доцент Х.Пулатов маъруза қилди. Вилоят ҳокимлиги Маънавият ва маърифат тарғиботи марказидан Г.Шерматова, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Уринбосари Х.Қаюмов, “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Худоёровлар ҳам сўзга чиқишиб, барчани байрам билан самимий табрикладилар. Вилоятимизнинг ёш ижодкорларидан, АКМнинг фаол китобхони О.Неъматова ўз ижод намуналаридан ўқиб берди. Маҳалла фаоллари айтган лاپарлар, АКМ ходимлари томонидан ижро этилган “Келин салом” маросими, қизиқарли савол-жавоблар, Навоий шаҳар Ёш томошабинлар театри хонандаларининг дилрабо қўшиқлари иштирокчиларга манзур бўлди.

Тадбир дастурхонига Наврўз таомлари қўйилди ҳамда ош тортилди. Адабий-муסיқий кеча баҳорий кайфиятда, ўйин-кулгу билан яқунланди.

**Н.БАРНОҚУЛОВА,**  
АКМ бўлим мудири



ООО «УзАлокаКонсалтинг» — одно из многопрофильных предприятий, осуществляющих деятельность на рынке консалтинговых услуг в сфере ИКТ. В течение восьми лет, начиная с периода своего создания Обществом проделан значительный ряд работ, внедрены новые виды консалтинговых услуг. О деятельности предприятия, в беседе с нашим корреспондентом, руководитель общества Тахир Бикметов рассказал следующее:

— Деятельность Общества началась в 2003 году. На протяжении 8 лет ООО «УзАлокаКонсалтинг» смогло существенно расширить спектр консалтинговых услуг в различных областях: менеджмент, проектирование, строительство, разработка инвестиционных документов, подготовка тендерных документов и проведение тендерных торгов, экспертиза проектов документов сферы связи и информатизации, строительных проектов, а также осуществление работ по обеспечению нормативно-правовыми актами и др.

Изначально Общество было создано для удовлетворения потребностей субъектов сферы связи и информатизации в консалтинговых услугах. Сегодня эти субъекты являются главными партнерами «УзАлокаКонсалтинг». Однако, Общество не ограничивается оказанием консалтинговых услуг только в сфере связи и информатизации, оно стремится развивать и расширять свой бизнес и сферу деятельности путем выхода на другие рынки услуг.

К основным направлениям деятельности ООО «УзАлокаКонсалтинг» относится, в первую очередь, экспертиза, оценка проектов различных документов в сфере информационно-коммуникационных технологий, включая технические и инвестиционные проекты. Данная задача была возложена на «УзАлокаКонсалтинг» приказами Узбекского агентства связи и информатизации № 379 от 31 декабря 2003 года, № 393 от 21 декабря 2006 г и № 107 от 12 марта 2010 года. За период своей деятельности «УзАлокаКонсалтинг» провело более 400 экспертиз. Среди них проектные документы, связанные с созданием государственных информационных систем и ресурсов государственных органов.

На основании лицензии Госархитектур, «УзАлокаКонсалтинг» также выполняет работы по экспертизе проектов строительства. В 2005-2010 годах было проведено более 900 экспертных оценок. Специалисты, проводящие экспертизу строительных проектов, проектов документов в сфере ИКТ особое внимание уделяют выполнению в проектах требований законодательных актов, стандартов и нормативных документов.

Наряду с проведением работ по экспертизе, ООО «УзАлокаКонсалтинг» выполняет большой объем инженеринговых работ, связанных с разработкой предпроектной документации инвестиционных проектов — предварительные и окончательные технико-экономические расчеты и обоснования (ПТЭР, ТЭР, ПТЭО, ТЭО), проекты развития сетей и услуг телекоммуникаций, проекты создания информационных систем и ресурсов. Проектная документация включает в себя разработку технических заданий и решений, рабочих проектов. Наиболее крупными проектами, в разработке которых участвовало ООО «УзАлокаКонсалтинг» являются «Модернизация сети почтовой связи ОАО «Узбекистон почтаси», «Реформа управления государственными финансами» Министерства финансов Республики Узбекистан, «Создание единой информационно-компьютерной сети в Департаменте по борьбе с налоговыми валютными преступлениями и легализацией преступных доходов при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан», «Компьютеризированная система управления безопасностью дорожного движения и охраны общественного порядка ГУВД УБДД г. Ташкента», «Создание единой информационно-компьютерной сети в Судебном департаменте Министерства юстиции Республики Узбекистан». Также были подготовлены ТЭР и ТЭО по таким проектам, как «Организация телерадиовещания с использованием спутниковых систем связи», «Создание опытной зоны цифрового телевидения в г.г. Андижане, Самарканде и Бухаре» для Центра радиовещания, радиовещания и телевидения, «Организация сборки приемников для цифрового телевидения», «Расширение и развитие системы радиомониторинга Республики Узбекистан» для



## НАДЕЖНЫЙ ПАРТНЕР НА РЫНКЕ КОНСАЛТИНГОВЫХ УСЛУГ

ЦЭМС, «Развитие информационно-коммуникационной структуры АК «Узбектелеком» в сельской местности», «Создание автоматизированной системы регистрации запретов на отчуждение и арестов автотранспортных средств в Министерстве юстиции Республики Узбекистан», «Техническое оснащение медиаканала Национальной телерадиокомпания Узбекистана», «Расширение магистральных сетей передачи ООО «Ист-Телеком» на базе оборудования DWDM/SDH», а также ряду инвестиционных проектов ООО «Unitel» и др.

Специалисты ООО «УзАлокаКонсалтинг» принимают участие в разработке рабочих проектов на новое строительство, направленных на расширение спектра услуг подразделений АК «Узбектелеком».

Помимо проектных работ «УзАлокаКонсалтинг» оказывает услуги по подготовке тендерной документации и ее экспертизе, организации и проведению тендерных торгов. Так, например, были подготовлены тендерные документы для Казначейства Министерства финансов Республики Узбекистан в рамках реализации компонента «Модернизация казначейских операций» проекта «Реформа управления государственными ресурсами». ООО «УзАлокаКонсалтинг» принимало участие в качестве рабочего органа при организации и проведении тендерных торгов, организованных Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан, Центром гидрометеорологической службы при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Центром среднего и среднего специального профессионального образования республики, АК «Узбектелеком», по которым имеются положительные результаты. В настоящее время ведется работа по проведению тендеров для Ташкентского государственного аграрного университета, Ташкентского института ирригации и мелиорации, АК «Узбектелеком», а также проведение тендерных торгов проекта «Комплексная инженерия, информационные системы и специальные технологии Национальной библиотеки».

Для начинающих свою деятельность компаний и организаций со стороны «УзАлокаКонсалтинг» оказываются услуги по разработке учредительных документов и оказанию помощи в проведении организационных мероприятий по созданию и регистрации предприятий, а также получению лицензий и других разрешительных документов. Также оказывается содействие организациям при подготовке различных контрактов, соглашений, бизнес-планов.

В своем перечне услуг и работ Общество имеет такое направление, как маркетинговые исследования. Данный вид услуги оказывался АК «Узбектелеком», СП «Ist Telecom» и Компании SUMITOMO (Япония), для которых были проведены маркетинговые исследования о состоянии телекоммуникационного рынка Узбекистана, где была изучена конъюнктура рынка в области связи и информатизации, дана оценка удовлетворенности потребителей в услугах и др. в сегментах:

Рынок аренды цифровых каналов — корпоративный сектор;

Рынок VoIP (IP телефония) — корпоративный и частный сектор;

Рынок Широкополосного Интернет — корпоративный и частный сектор;

Рынок Видеотелефонии — корпоративный и частный сектор;

Рынок VPN — корпоративный сектор.

Тадқиқот мобайнида 84 фоиз ҳолатда сайтлар Android амалиёт тизими браузерига мобил Safari браузерига қараганда тезроқ юкланган.

Тест-синовларда iPhone 4, Google Nexus S ва Samsung Galaxy S смартфонларидан фойдаланилди ва интернетга асосан Wi-Fi-роутер, қисман 3G-тармоқ орқали чиқилди.



# Фарғона мактабларига АКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2006 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш” лойиҳасини амалга ошириш учун Корея Республикаси ҳукумати томонидан бериладиган имтиёзли кредитдан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” имзолаган қарорга асосан амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида умумтаълим мактаблари учун ахборот-коммуникация технологиялари, компютер жиҳозлари, электрон ресурслар (ўргатувчи дастурлар, электрон дарсликлар, мультимедиа дастурлари ва иловалари, интернет)дан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган уч босқичли семинар-тренингларни ўтказиш режалаштирилган эди.



Бу режага кўра, лойиҳа доирасида вилоятимиздаги компютер синфлари билан жиҳозланадиган 164та умумий ўрта таълим мактабидоги 328 нафар ўқитувчининг “Компютер саводхонлиги”, “Дарс жараёнида АКТдан фойдаланиш” ва “Умумтаълим фанлари бўйича мультимедиа иловаларини ишлаб чиқиш методологияси” мавзулари бўйича малакаларини ошириш кўзда тутилган. Мазкур уч босқичли семинар-тренинг курсларини самарали ташкил этиш Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 7 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш” лойиҳаси доирасида малака ошириш курсларини ташкил қилиш тўғрисида” 238-бўйиғу ижро учун қабул қилинган бўлиб, Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасида бу борада кўза кўринарли ишлар ташкил этилмоқда.

Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтида шу йилнинг 28 феврал — 3 март кунлари лойиҳа доирасидаги маҳаллий тренерларни тайёрлаш бўйича семинар машғулотлари бўлиб ўтди. Бу машғулотларни институтнинг тажрибали устозларидан лойиҳа координаторлари А.Нишонов ва М.Валихонлар олиб

бордилар. Вилоят миқёсидаги семинар-тренингда фаол қатнашган Тошлоқ туманидаги 7-мактабнинг физика-информатика фани ўқитувчиси, 2008 йилги республика “Йил ўқитувчиси” кўрик-танлови ғолиби, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси Д.Зокирова бу борада ўзи олган билим ва кўникмаларни Тошлоқ туманидаги ўқитувчилар билан баҳам кўрди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Тешабоевнинг кўрсатмасига асосан тумanning Хамрак қишлоғида жойлашган 5-умумий таълим мактабда 9-12 март кунлари 3-, 7-, 11-, 14-, 19-, 27-, 31-, 34-, 39-, 40- ва 42-мактаб ўқитувчилари учун “Компютер саводхонлиги” мавзусида тўрт кунлик ўқув-семинарлари ташкил этилди. Машғулотларда қатнашган ўқитувчилар “Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш” лойиҳаси доирасида ўз мактабларига келтирилаётган ва Кореяда ишлаб чиқарилган замонавий компютер техникалари билан ишлаш ҳамда улардан дарс жараёнида самарали фойдаланиш усулларини ўргандилар.

“Энг қувончлиси шуки, апрел ойининг бошларида лойиҳа қатнашчилари бўлган, юқорида тилга олинган мактабларнинг ҳар бири Ўзбекис-

тондаги ва чет эллик мактаб ўқувчилари билан интернет орқали видео-конференциялар ўтказиш, мультимедиа дастурларини катта экранда кўриш имконига эга бўлади. Нега деганда, лойиҳа асосида мактабларимизга тақдим этилаётган компютер технологиялари мажмуасида 15та юпқа экранли монитор ва 15та процессордан ташқари, сканер, лазерли принтер, веб-камера, проектор каби замонавий ускуналар мавжуд. Бу ускуналар лойиҳанинг асосий мақсадларини амалга ошириш, мамлакатимизда таълим сифатини янада юқори даражага кўтариш ва ривожлантириш учун хизмат қилади”, — дея ўз фикрини билдирди семинар қатнашчиси, тумандаги 34-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Э.Эргашев.

Семинар тренери Д.Зокирова билан бўлган суҳбат давомида шу нарсалар маълум бўлдики, “Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш” лойиҳаси уч йилга мўжалланган ва унинг натижасида мамлакатимиздаги 1518та умумтаълим мактаби замонавий ўқув-компютер техникаси билан жиҳозланади

ва улар бевосита интернет тармоғига уланади. Лойиҳада қатнашаётган мактаблар Халқ таълими вазирлигининг <http://uzedu.uz>, <http://ziyonet.uz> ва бошқа таълим порталларидан фойдаланишади, Корея ва Ўзбекистон мактаблари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари кўллаб-қувватланади. Яқин келажакда бу мактаблар учун турли танловлар ва мусобақалар ўтказилиши, танлов ғолибларининг эса Корея мактаблари билан тажриба алмашинув дастурларида қатнашувлари режалаштирилмоқда. Мактабларимизга берилётган бундай улкан имкониятлар республикаимизда таълим-тарбия сифатини ва самардорлигини янада оширади ва биз устозларни катта шижоат, ижодкорлик билан ишлашга даъват қилади. Бу борада олиб бораётган барча ишларимиз эса соҳаимон юртимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйига муносиб тўхтамиз бўлади.

**Р.БАДАЛОВ,**  
Майкл Кейси номидаги халқаро таълим мукофоти лауреати,  
Тошлоқ туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси

➔ TIBBIYOT VA AKT

## Рақамли хизмат химмати

**Вилоят “Она ва бола” скрининг маркази раҳбари кабинетига жажжи неварасини етаклаган аёл кириб келди. У салом-алиқдан сўнг Баҳром Сиддиқовга оила аъзолари номидан чуқур миннатдорчилик билдирди. Ўз навбатида, икки ёшга тўлган гўдак ҳам момоси ишораси билан шакардай ширин ва бурро тилига жойланган энг самимий сўзни айтди.**

— Яҳмат сизга, доктойбобо, мен соппа-соғман!

Баҳром ака ўғлонни даст кўтариб оларкан: Балли паҳлавон, энди бизга қўшиқ айтиб бера-сизми, — дея қўлига шоколад тутқазди.

Болажоннинг ёшига мос ихчам ва ёқимли хиргойиси дилларга янада кўпроқ хушнудлик бахш этди.

Момо ва неварани кузатиб қайтаркан, марказ раҳбари дақиқа муқаддам бўлган ҳаяжонли учрашувга изоҳ бера кетди.

— Биласизми, бу болакай оиланинг учинчи фарзанди. Унинг опаси ва акаси туғма ногирон ҳолда дунёга келган, юрмайди ва гапирмайди. Бир кун уларнинг онаси бир оз ҳадик ҳамда ҳафсаласизлик билан скрининг марказига келди. Учунчи фарзандига ҳомиладорлигини айтarkan: “Мас-

лаҳат беринг, мен нима қилай?”, деб қолди. Уни таскин топтириб бугунги замонавий тиббиёт имкониятларига ишонч ҳосил қилдиргач: “Синглим аввало мадад Яратгандан, қолаверса, жомамиз соғлом фарзандни дунёга келтиришингизга ёрдам беради”, дедик.

Келинчак мутахассис маслаҳатига амал қилишга рўйхушлик билдирди. Ходимларимиз ултратовуш аппарати кўригидан ўтказгач, зарур йўл-йўриқларни кўрсатишди. Гувоҳи бўлганингиздек, унинг боласи соғлом туғилди, оилақувончи бир олам бўлди.

...Қарийб ўн йил муқаддам Термиз шаҳрида вилоят “Она ва бола” скрининг маркази иш бошлаганда баъзилар бу ҳам навбатдаги шифо масканларидан бири бўлса керак, деб янгиликка бир оз бефарқ қарашди. Тарғибот кучайтирилгач, марказга яхши ниятлар билан қатнай бошлаган туғиш ёшидаги аёллар сони кўпайди. Замонавий тиббий техника — ултратовуш аппарати ёрдамида аниқ ташхис қўйиш орқали зарур муолажаларни ўтказиш кўзланган натижани бера бошлади. Шу тарзда скрининг марказининг шохобчалари туманларда ҳам очила бошлади. Бу жойларда ҳам туғма ногиронлигини олдини олиш ва соғлом авлодни яратиш мақсади кўзланган уч жабҳага қатъий амал қилинмоқда. Хусусан, яқин қариндош билан турмуш қурган, туғма ногирони бор бўлган оилалар учун алоҳида суҳбатлар

ўтказилмоқда. Ҳомиладор аёл ҳар 14-20 ҳафтadan сўнг ултратовуш аппарати кўригидан бўляпти. Ниҳоят, туғилган чақалоқлар қони ўз вақтида лабораторияларда таҳлил қилинмоқда.

Баркамол авлод йилида вилоят “Она ва бола” скрининг маркази имконияти янада кенгайди. Голландиянинг “Philips” компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий рақамли ва рангли ултратовуш аппарати келтирилди. Бу тиббий техника учун юз минг доллар сарфланди. Янги дастгоҳ кўплаб афзалликлари билан ажралиб туради. Энг муҳими, туғиш ёшидаги аёлларга тезкор тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом ва баркамол авлод тараққиётимиз ҳамда миллиятимиз таянчи ҳисобланади. Қувонарлиси, бу мақсадга эришишда ахборот-коммуникация технологияларининг хизмати катта бўлмоқда. Жумладан, тиббиёт соҳасида рақамли компютер воситалари кўмағида аниқ ва тўғри ташхис қўйилаётгани фикримизга далил бўла олади. Тажрибали шифокор Баҳром Сиддиқов раҳбарлик қилаётган вилоят “Она ва бола” скрининг маркази муваффақиятларини таъминлашда ана шу компютерлаштириш жараёни муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Нортожи ЗИЁЕВ,**  
“Хабар”нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири



Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида 25 нафар ходимдан иборат фукаро мухофазаси тузилмалари тузилган. Хозирда марказда разведка, куткарув, ёнгин ўчириш, жамоат тартибини сақлаш гуруҳлари ва тиббий ёрдам ташкил этилган.

## Фукаро мухофазаси

Тузилмалар ФВ бошқармаси мутахассислари томонидан фавқулодда ҳодисаларнинг пайдо бўлиш хавф-хатарини камайтириш, шунингдек, фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда инсонлар соғлигини сақлаш, атроф-муҳитга етказилган зарар ва моддий йўқотишлар даражасини пасайтиришга йўналтирилган ўқув машғулотларида қатнашиб, ўз билим ва малакаларини оширишга муваффақ бўлдилар. Бундан ташқари, белгиланган режа асосида 15 соатли дастур бўйича гуруҳ раҳбарлари томонидан ўқитилиб, ҳар йили бу гуруҳлар билан 6 соатлик тактик ўқув машқлар ўтказиш режалаштирилган.

Режада белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ўқув машғулотга алоқадор раҳбарлар томонидан қатъий назоратга олинди, барча белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Ўқув машқларини ўтказиш режалари ишлаб чиқилиб, раҳбарлар томонидан тасдиқланди. Андижон шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими билан келишилди. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазият содир бўлганда эса ҳамкорликдаги ҳаракатларни амалга ошириш бўйича чоралар белгиланиб, режалар ишлаб чиқилди. Ўқув машқни ўтказиш бўйича корхона ФМ штаби тузилмалари фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракатлари, ФМнинг юқори даражадаги тайёргарлик тадбирларини бажарилиши учун тайёр ҳолатга келтириш тартиби меъёрий воситалар, кийим, уст-бош билан таъминлаш тадбирлари бажарилди.

Яқинда марказда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси вилоят ва шаҳар бўлимлари ҳамда вилоят Қизил ярим ой жамяти билан ҳамкорликда марказ раҳбарияти, ишчи-хизматчилари ҳамда “Фукаро мухофазаси тузилмаларининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатлари” мавзусида махсус тактик ўқув машқ ўтказилди. Иккита “Дамас” автомобили, вилоят ФВБдан битта махсус автотехника, ишчи ва ходимлардан 45 нафари ва фойдаланувчилардан 27 нафари ўқув машғулотига жалб этилди.

Машқ режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши экспертлар томонидан назорат қилинди ва тактик машғулот ниҳоясида тузилмаларнинг ютуқ ва камчиликлари муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан кўрсатмалар берилди.

Бундай ҳамкорлик тадбирлари жойларда ФМ штаби аъзолари, тузилмалар шахсий таркиби, ишчи-хизматларининг ўз вазифалари бўйича малакаларини мунтазам ошириб боришига замин яратмоқда.

**Г.ИСМОИЛОВА,**  
Бобур номидаги Андижон вилоят  
АКМ директори

## Касбидан эъзоз топди

1975 йилнинг баҳорида Анвар Хайитов ҳарбий хизматдан қайтиб, Қашқадарё алоқа ишлаб чиқариш корхонасига ишга келганида, унга вилоятда соҳа билимдонларидан Б.Тўлаев ҳамда Б.Одиловлар устозлик қилишди. Ҳақиқатан ҳам корхона раҳбари бўлиб ишлаган Ю.Саркисян Анвар Хайитовга, аввало, соҳанинг эртанги келажак тўғрисида сўзлаб берганида, у соҳа тараккиётининг бу даражада ривож топишига кўп ҳам эътибор бермаганди.

Йиллар киприк қоққанчалик шиддат билан ўтиб, Анвар аканинг алоқа соҳасида меҳнат фаолиятини бошлаганига 35 йил бўлибди. Ҳақиқатан ҳам ушбу вақтлардаги аҳолига почта алоқаси хизмати кўрсатиш билан бугунги кун, давр талабига мос ўзгаришлар кундек намоён бўлаётди.

Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент алоқа политехникумида таҳсил олди. Кейинчалик корхонанинг почта алоқа лабораторияси бошлиғи, 1991–2001 йилларда вилоят Давлат алоқа инспекциясида инспектор, 2001 йилдан ҳозиргача “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали ҳамда Қарши почта алоқаси тармоғида турли вазифаларда меҳнат қилди. Айни пайтда кадастр ишлари бўйича муҳандис вазифасида ишлаб келатган А.Хайитов китоблик Р.Зиёев, шахрисабзлик Э.Мамадалиев, яккабўғлик Б.Узоқов, қамашлик Т.Собиоров, бешкентлик О.Маматқулов, Р.Жабборова, қаршилик У.Ғойибов, Н.Орзиқулов каби алоқачиларнинг устози экан-

лигидан фахрланади.

— Вазирлар Маҳкамасининг “Почта алоқаси шохбачаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш лойиҳаси” Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган, — дейди Анвар Хайитов. — Инвестиция дастурининг белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишида, жойлардаги ижарада турган почта алоқаси бўлимлари жойлашган бино ва хоналарни “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали балансига олиниб, рўйхатдан ўтказилмоқда.

Балансга олинган алоқа бўлимлари бинолари ачинарли аҳволда бўлиб, мукамал таъмирлаш ишларини талаб қиларди. Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда филиал раҳбарияти томонидан балансга олинган алоқа бўлими биноларини 2012 йилгача босқичма-босқич мукамал таъмирлаш ишлари режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режага асосан,

кўпгина алоқа бўлимларида мукамал таъмирлаш ишлари бажарилиб, алоқа бўлими бинолари ҳолати тубдан ўзгариб, мижозлар учун почта алоқаси хизматлари турлари кўпайтирилди, қулайликлар яратилди. Жорий йилда алоқа бўлимларини мукамал таъмирлаш ишлари давом эттирилади.

Анвар Хайитов жойлардаги почта алоқаси бўлимларини филиал балансида олиш, кадастр ҳужжатларини тайёрлашнинг қанчалик мураккаблигини, баъзи корхона ёки ташкилотларга тегишли алоқа бўлимларини балансга олиш ишларини расмийлаштиришда қанчалик қанча машаққат чеккилишини яхши билади. Баъзида хўжалик суллари ва ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этишга ҳам тўғри келади. Энг асосийси, Анвар Хайитов бу борада қандай йўл тутишни яхши билиб, ўз вазифасини уддалай оладиганлардан.

Оилада беш нафар фарзандни тарбиялаб, бир этак набиранларнинг бобоюниси бўлган Анвар ака яқинда олтинчи ёшга тўлди. Хайитовлар хонадони шу кунги фарзанд ва набиранлар, ҳамкасблар билан янада гавжум бўлди. Шогирдларининг ташрифи эса қаҳрамонимизнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
“Хабар”нинг Қашқадарё  
вилоятидаги мухбири

## Садокат

Эркиной Исмоилова 1979 йил Хўжайли туманидаги Ниёзий номидаги ўрта мактабни тугатгач, туман алоқа боғламасига почтачи вазифасига қабул қилинди.

Даставвал бу касбнинг нечоғлиқ оғирлиги сезилди. Аксига олиб янги қурилаётган кўрғонда ишлаш ёш қиз учун осон бўлмади. Лекин ишга астойдил киришган Эркиной устозлари Сарқитгул Ўринбоева ва Зиёш Дилмуҳамедовлар маслаҳатларига қулоқ солиб, касб сирларини эгаллай борди. Иш давомида Нукус шаҳридаги алоқа техникумини почта алоқаси мутахассислиги бўйича тамомлади.

Ҳозирги кунда Эркиной Тўқимачилар кўрғонида 450дан ортиқ нафақачи, обуначилар ва аҳолига почта хизматини кўрсатиб келмоқда. Улар Эркиной ҳақида фақат яхши фикрлар билдиришади.

— Менга касбим жуда ёқди, — дейди Эркиной. — Одамлар узоғини яқин қилиш, ёр-би-

родарларидан хат олган мижоз юзидаги табасумни кўриш — ўзи бахт.

Эркинойнинг хабарчи касбидан ишлаганига 30 йилдан ошиб бормоқда. Бирга меҳнат қилаётган Жамшид Нурумбетов, Жумабика Тажимуратова, Усемурот Таумуротов ва Олтин Зоирова каби ёш ходимлар Эркинойни устоз сифатида эъзозлашади.

Унинг ҳалол меҳнатлари муносиб баҳоланиб, бир неча бор мақтов ёрлиқлари ва пул мукофотларига сазовор бўлди.

Турмуш ўртоғи Байрамбой билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаётган оддий касб эгаси яқинда 50 ёшини нишонлайди. Азиз ҳамкасбимизни ушбу қутлуг сана билан табриклаб, омад ёр бўлсин, деймиз.

**Раҳимжон БОЛТАБОВ**  
Қорақалпоғистон Республикаси

## Хушхабарчи

Орифжон Эргашев номини “Тароватли шаҳарча” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кексаю ёш ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. У киши салкам 30 йилдан буён Сўх туманидаги “Равон” алоқа бўлимида почтачилик касбини улуғлаб, мижозларга қўнғилдагидек хизмат кўрсатиб келмоқда.

У маҳалла фуқаролар йиғини таркибида жойлашган аҳоли, таълим масканлари, корхона, ташкилот, тегишли идораларга кундалик матбуот нашрлари, хат-хабар, телеграммаларни ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилаётди.

Обуна уюштириш ишларида касбдошларига ўрнатилган бўлмоқда. Эл хизматида беминнат камарбаста бўлиб келатган бу хушхабарчининг ишидан мижозлар доимо мамнун.

**Асқарбек АНБАРЖОНОВ**



## Янгиланган «Интернет-пакетлар»

Наврўз байрами арафасида «МТС-Ўзбекистон» компанияси ўз абонентларига арзон нархлардаги янги «Интернет 60» ва «Интернет 125» интернет-пакетларини таклиф этди. Ушбу пакетларда интернет трафик ҳажми 20 фоиз ва 25 фоизга туширилди. Энди куйидаги интернет-пакетларни активлаштириш мумкин:

Интернет пакетлари	Интернет трафик ҳажми	Пакет нархи
«Интернет 25»	25 Mb	\$1,5
«Интернет 60»	60 Mb	\$2,75
«Интернет 125»	125 Mb	\$5
«Интернет 500»	500 Mb	\$11
«Интернет 1000»	1000 Mb	\$16
«Интернет 2000»	2000 Mb	\$20
«Интернет 5000»	5000 Mb	\$45



«Маълумотларнинг мобил узатиш хизматларига бўлган талаб ошиб бораётгани сабабли биз мобил интернетдан фаол фойдаланувчилар учун таклифлар рўйхатини кенгайтириб боришни давом эттиряпмиз. Янгиланган «Интернет-пакетлар»ни улаган абонентлар ўз харажатларини самарали назорат қилиш имконини берувчи энг фойдали интернет пакетларига эга бўладилар», — деб таъкидлади «МТС-Ўзбекистон» компанияси бош директорининг тижорат бўйича ўринбосари Н.Шодмонов.

Битта рақамда бир вақтда иккита «Интернет-пакет»га уланиш мумкин. Ҳар бир пакетнинг амалда бўлиш муддати активлаштирилган кундан бошлаб 30 кун. Пакет нархи активлаштирилганда олинади.

MMS/WAP/GPRS хизматларидан фойдаланиш учун мобил телефонни сошлаш керак. «Созлаб ол» бепул хизматининг 0876 рақамига кўнгироқ қилиб, автоматик сошлашларни олиш мумкин.

## «Билайн»нинг хайрли ишлари

«Хайрли ишлар-2011» лойиҳаси доирасида «Билайн» вакиллари Яккасарой туманидаги кўзи ожизлар жамиятида бўлдилар.

Пойтахтимиздаги 5-мактаб ўқувчилари меҳмонлар учун ўз байрам дастурини тайёрлаган эдилар. Болалар чиқишларидан сўнг барча қатнашчиларга совғалар берилди.

«Билайн»га эътибор ва самимий иш учун раҳмат. Бугунги кунни барчамиз ҳақиқий байрамдек эслаган ҳолда янги учрашувларни кутиб қоламиз», — дея ўз миннатдорчилигини билдирди Яккасарой тумани кўзи ожизлар жамияти раиси Олга Ковалева.



Билайн

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ жамоаси жамият бош директорининг биринчи ўринбосари Хатира ТОЖИ-БОЕВАни қутлуг 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, мустақам соғлиқ, ишларида муваффақиятлар тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Учкўприк ва Олтиариқ почта алоқаси тармоқлари ходимлари Маъмуржон МАМАЖОНОВ, Гофуржон МИРЗАТИЛЛАЕВ ҳамда Риштон почта алоқаси тармоғи ходими Ибрагимжон САЙИТОВларни 55 ёши, Бешиарқ почта алоқаси тармоғи ходими Акрамжон БЕКНАЗАРОВни 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Уларга соғомонлик, узоқ умр, фарзандлар камолни кўришликни тилайди.

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 48-бандига асосан:

«Буюк Қуанышбек» масъулияти чекланган жамиятнинг (Қорақалпоғистон Республикаси) кўчма радиотелефон (транкли) алоқа тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001656 рақамли;

«POLAR BEAR TELEKOM» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003097 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 18 мартдан тикланди.



## «ALISHER RIVOJ» NODAVLAT TA'LIM MUASSASASI

Абитуриентларни куйидаги олий ўқув юртларига тайёрлайди

ТИББИЁТ, СОЛИҚ, ОЛИЙ МИЛИЦИЯ АКАДЕМИЯЛАРИ, ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЖАҲОН ТИЛЛАРИ, ПЕДАГОГИКА, ТЕХНИКА, ИҚТИСОДИЁТ, ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ, МОЛИЯ, ФАРМАЦЕВТИКА, ПЕДИАТРИЯ, ЮРИДИК, ШАРҚШУНОСЛИК, БОЖХОНА ИНСТИТУТЛАРИ ҳамда СИНГАПУР, ВЕСТМИНСТЕР, ТУРИН УНИВЕРСИТЕТЛАРИ.

Шунингдек, 3-6 ойлик РУС ва ИНГЛИЗ тилидан сўзлашув курслари мавжуд. Тингловчилар синов асосида қабул қилинади. Дарслар малакали ўқитувчилар томонидан дарс соатлари узайтирилган ҳолда олиб борилади. Биз дарсларнинг сифати ва самарали натижасига қафолат берамиз.

Мурожаат учун телефон: (+99893) 385-70-14.  
Манзилимиз: Чилонзор тумани, Наққонлик кўчаси, 1-уй, 2-қават, 4-5-қошалар.  
Мўлжал: «Чилонзор» метро бекати, Республика кўрак жарроҳлиги институти рўпарасида.



## Наманганда теннис байрами

Наманганда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси мусобақалари тақвимига киритилган халқаро турнирда биринчи давра учрашувлари якунланди.

Яккаликлар мусобақасининг биринчи босқичида энг кескин ва мurosасиз учрашув ҳамюртимиз Нигина Абдураимова ҳамда беларуслик Виктория Эмилянова ўртасида бўлди. Биринчи сетда рақибасини осонлик билан 6:1 ҳисобида мағлуб этган Нигина кейингисидан 6:7 ҳисобида ютқазди. Ҳал қилувчи учинчи сетда ҳар икки теннисчи бор



маҳорати ва тажрибасини ишга солди. Натижада 7:6 ҳисобида устун келган Н.Абдураимова иккинчи даврага йўланма олди.

Ўзбекистонлик теннисчилардан Албина Ҳабибулина ҳам

бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди. Истеъдодли теннисчимиз биринчи даврада россиялик Муҳаббат Саидовадан устунлигини намойиш қилди: 6:1, 6:4.

Турнирнинг бош соврини учун асосий даъвогар ҳисобланган россиялик Екатерина Бичкова, украиналик Татьяна Арифева, полшалик Жустина Жегиолка, словениялик Далила Якупович, хорватиялик Ямина Тинжич ҳамда қирғизистонлик Ксения Палкина сингари тажрибали теннисчилар ҳам биринчи давранан муваффақиятли ўтди.

## Боксчиларимиз совриндорлар сафида

Германиянинг Галле шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда ўндан зиёд мамлакатдан келган кучли боксчилар қаторида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари ҳам голиблик учун куч синашди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Шароф Ҳудойбердиев нуфузли турнирда тажрибали чарм қўлқоп усталари билан бир қаторда, таркибга янги қўшилган истеъдодли ёш боксчиларнинг имконияти ва салоҳиятини ҳам синовдан ўтказди.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган беш нафар боксчининг барчаси совриндорлар сафидан жой олди. Хусусан, 91 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида истеъдодли спортчимиз Мирзохид Абдуллаев олтин медални қўлга киритди.

Элшод Расулов, Ўқтамжон Раҳмонов ва Фазлиддин Ғоибназаров кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Аббос Атоев бронза медалга лойиқ топилди.

## Ўзбек кураши

бўйича Араб

мамлакатларининг

II чемпионати

Ливанда Кураш халқаро ассоциациясининг 2011 йилги мусобақалар тақвимида жой олган Араб мамлакатларининг II чемпионати бўлиб ўтди.

Юқори савияда ташкил этилган бу галги чемпионатда мусобақа мезбонлари, Ироқ, Сурия, Иордания, Тунис, Миср ва Судан каби давлатлардан келган энг кучли полвонлар иштирок этди.

Беш кун давом этган мусобақада спортчилар олти вазн тоифасида голиблик учун куч синашди. Кескин ва мurosасиз ўтган беллашувларда барча рақибларини мағлубиятга учратган ироқлик Муҳаммад Ҳайде, Ясим Кадворий, Зиё Фадҳайл, суриялик Мазин Нанай, Мутикал Гарманий ва Бишар Биолой шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Умумжамоа ҳисобида ироқлик полвонлар биринчи, сурияликлар иккинчи ва ливанлик курашчилар учинчи ўринни эгаллади.

## Миллий терма жамоа Черногория билан ўйнайди

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бугун Черногория пойтахти Подгорица шаҳрида маҳаллий терма жамоа билан баҳс олиб боради.

Баҳсда бир қатор етакчи футболчилар иштирок эта олмайди. Улар ўрини Муроджон Зухуров, Павел Смоляченко, Жавлон Ибрагимов, Камолиддин Мурзоев, Носир Отақўзиев каби футболчилар тўлдирди.

“Сафар арафасида қўплаб футболчиларимизнинг жараҳат олиши натижасида, Черногорияга ўзимиз истаган таркибни олиб кетолмайдиган бўлдик, — деди Абрамов. — Жумладан, Анзур Исмоилов, Одил Аҳмедов, Сервер Жепаров, Вагиз Галиулин ва Александр Гейнрих иштирок этмайди”.

Черногория терма жамоасига қарши ўйин 25 март куни Тошкент вақти билан 17:00да бошланади.



## Филиппов ва Барсов — пешқадамлар қаторида

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери — Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган “Тошкент опен” халқаро турнири давом этмоқда.

Турнирда юздан зиёд шахматчи голиблик учун куч синашмоқда. Мусобақанинг тўртта тур натижасига кўра, ҳамюртларимиз Антон Филиппов ва Алексей Барсов учта ўйинда галаба қозониб, битта учрашувда дуранг ўйнади ва 3,5 очко билан пешқадамлар сафида бормоқда.

Шунингдек, россиялик Максим Туров ва Евгений Алексеев, исроиллик Михаил Роиц, грузиялик Михаил Мchedишвили, украиналик Юрий Кузубов, арманистонлик Тигран Петросян, қозғистонлик Ринат Жумабоев ва Муртаса Кажғалиев ҳам тўртта учрашувнинг учтасини галаба ва биттасини дуранг билан якунлаган.

## Ўртоқлик учрашувлари

26 ва 29 март кунлари Тошкентда Ўзбекистон ва Япония олимпия терма жамоалари ўртасида ўртоқлик ўйинлари ўтказилади.

“Пахтакор” ва ЖАР стадионларида бўлиб ўтадиган учрашувларга кириш бепул. Ўйинни бевосита стадионда ўтириб кузатишни истовчи ишқибозлар чипта харид қилмасдан ташриф буюришлари мумкин.

Японияга қарши кечадиган дастлабки беллашув 26 март куни “Пахтакор” марказий стадионида соат 16:00да бошланади.

## Ўсмирларимиз ҳам йиғинда

Мексикада ўтадиган Жаҳон чемпионатида қизгин тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 18 март куни Туркияга учиб кетган эди. Алексей Евстафев шогирдлари 20 ва 22 март кунлари иккита назорат учрашувида майдонга тушишди.

Дастлаб 1995 йилда таваллуд топган Россия ўсмирлар терма жамоасига 1:2 ҳисобида имконият бой берилган бўлса, орадан 2 кун ўтиб, Харьковнинг “Металлист” клуби ёшлари устидан йирик 4:1 ҳисобида зафар кучилди. Олдинда эса яна учта ўртоқлик учрашуви ўтказилиши режалаштирилган. Шулардан бири Россиянинг “Зенит” клуби ёшларига қарши кечиши кутилмоқда.

## ЕЧЛ: чорак финал жуфтликлари



Ўтган ҳафтада УЕФА Европа Чемпионлари лигасининг чорак финалига қуръа ташланди. Унда қуйидаги жуфтликлар ўзаро баҳс олиб бориши аниқланди:

- «Реал» (Испания) — «Тоттенхэм» (Англия)
- «Челси» (Англия) — «Манчестер Юнайтед» (Англия)
- «Барселона» (Испания) — «Шахтёр» (Украина)
- «Интер» (Италия) — «Шалке-04» (Германия)

Барча жуфтликларда ўйинлар қизгин кечиши олдиндан маълум. Айниқса, «Челси» — «Манчестер Юнайтед» жуфтлиги финалдан олдинги финал мақомини олиб улгурди. Шунингдек, «Реал» — «Тоттенхэм» жуфтлиги ҳам мухлисларга бир олам завқ бағишлаши кутилмоқда. «Шахтёр»ни эса ҳақиқатда жиддий синов кутмоқда. Улар чорак финалга бежизга чиқишмаганликларини «Барселона» билан бўладиган ўйинларда исботлашларига тўғри келади.

Биринчи учрашувлар 5-6 апрел кунлари бўлса, жавоб ўйинлари 12-13 апрел кунлари бўлиб ўтади.



**Б**уюк санъаткор Ҳожи Абдулазиз Самарқандий ижросидаги “Шашмақом” наволари Ҳиндистоннинг бир неча шаҳарларида ҳам янграб, дилларни ром этди. Бир пайтлар тақдир тақозоси ила Туркистондан бориб, у ерда кўним топган ватандошлари унинг иззат-икромини жойига қўйдилар. Бир неча хонадоннинг азиз меҳмони бўлди. Кунларнинг бирида ота-бобоси бухоролик бўлган Баҳром исмли йигит уни уйига чорлади.

— Аҳмадободда тураман, — деди Баҳром. — Бобом болалигимда қазо қилган, ота-онамининг оламдан ўтганларигаям беш-олти йил бўляпти.

— Жойлари жаннатда бўлсин, — деди Ҳожи Абдулазиз. Ва сўради:

— Фарзандлар борми? Баҳромнинг кўзларида мунг акс топди. Бўғиқ овозда: — Фарзанд йўқ, — дея оғир хўрсинди.

— Эҳ, аёлимни кимларга кўрсатмадим. Ҳиндистонда мулла қолмади, табиб қолмади. Энди умид сиздан, — деди кўзларини жавдиради.

— Мен... мен... — Ҳожи Абдулазиз тугилиб, довлариб қолди. — Худо меҳрибон! Менга қаранг, ёшингиз нечада?

— Ўттиз тўртда, устоз. — Вой, уйлаганимдан ҳам ёшроқ экансиз-ку! Ҳали... бўласиз ота! Менинг нечага кириб фарзандли бўлганимни биласизми? Тўнгиҳан туғилганида ёшим эллигичан ошган эди! Худога шукур, ҳозир учта фарзандимиз бор. Насиб қилса, яна фарзанд юзини кўрмоқчимиз, ватандош!

Юраги ғам-ҳасратга тўла Баҳром: — Келинингиз билан бир неча фарзанд юзини кўрдик, — деди ўксик кўзлари пир-пир учаркан, — лекин бир ой-бир ярим ойлик бўлиб нобуд бўлишяпти чақалоқлар. Хотиним ҳар гал ҳомиладор бўлса, ҳам хурсанд бўламан, ҳам қаттиқ хавотирга тушаман, буниси-ям узоқ яшмай, юрагимизда доғ бўлармикин, деб.

— Табобат наф бормади, денг? — Ҳожи Абдулазиз “Қўлимдан келса-ю мўъжиза кўрсатсам — фарзандли бўлишингга сабаб бўлсам, аммо нима қила олардим

мен?!” демоқчи ҳам бўлди, аммо тили бормади. “Бефарзанднинг кўнглини чўқдирма. Унинг маънос кўзларига бир қара, Ҳожи! Нақадар умидвор...”

— Муסיқанинг ажиб қудрати, шифобахш таъсири бор, — дейишади. Овозингизни эшитдим-у вужудимда умидворлик уйғонди. Қандайдир ҳис “Шашмақом”даги илоҳий кучга сизини, сиздан нажот сўрашга ундади, устоз.

Ҳожи Абдулазиз хаёл



суриб қолди. “Ҳеч бўлмаса, кўнглига таскин берадиган, руҳини кўтарадиган бир қўшиқ айт!” — ўтказди хаёлидан ва дуторини кўлига олиб, черта бошлади...

Дутор сози ва “Самарқанд булбули”нинг овози эшитилди-ю уй соҳибаси ҳам рўзгор ишларини ташлаб, аста дераза ортига келди, юрагида аллақандай ҳис-ҳаяжон уйғонаркан, ширин ва маҳзун овозга жон қулоғини тутди. Ҳофиз нола қилар, унинг ёнида ўтирган Баҳром эса нолаларга ҳамоҳанг тебранар, кўзларида ёш қалқирди.

Фарзандталаб уйда шундай қилиб, “Шашмақом” наволари алламаҳалгача янгради, сўнгра унинг ижросиси созини бер четга қўйиб: — Қани, омин, — деди, кўлини дуога очаркан...

— Ташаккур, устоз! — деди уй эгаси ҳофизга меҳр билан боқаркан, кўлини кўксига қўйиб, — Хонишларингиз Курьон тиловатининг савтидай вужудимга ёқимли сокинлик, тоза руҳ бағишлади.

Ҳожи Абдулазиз дераза ортида уй соҳибаси ўтирган-ини сизди ва: — Омин! —

дея яна дуога қўл очди.

Куй-қўшиқ таъсиридан сеҳрланган, кўзига куйилиб ёш келаётган уй соҳибаси ҳам юзига фотиҳа тортди. “Бу сафар дунёга келган фарзандинглар саломат қолади, иншооллоҳ”, — дейиши ҳам бағоят ёқимли бир куйдек эшитилди-ю юрагида тугён урган сурурли ҳаяжондан аёл титраб кетди. “Қани эди... Қани эди!”

Самарқанд Ҳожи Абдулазизнинг дарвозаси тақиллади.

Ҳожи дарвозани очди ва: — Вой

Баҳром ўғлим? — деди кўзлари чақнаб.

— Отажон! Узоқ кўришмаган ота-боладай бағирлашдилар. Ҳиндистондан келган меҳмон ёлғиз-масди — ёнида аёли ва тўрт-беш яшар ёқимтойгина қизча.

Аёл таъзим қилди ва Ҳожи билан қуюқ сўрашди-ю: — Набиронқиз! — деди ёнидаги қизалоққа ишоралаб.

— Хуш келдинг, қизалогим! — дея уни бағрига босди Ҳожи Абдулазиз.

...Ҳожи ўшанда куй-қўшиқ билан фарзандга зор Баҳромнинг юрагидан ғам-ғусса губорини чиқармоқчи эди, холос. Лекин нима рўй берди? Меҳмон бош эгди:

— “Шашмақом”га, Сизга таъзим қилгани келдик. — Ва Ҳожининг кўлларини ўпиб, давом этди. — Сиз, сизнинг созингиз, овозингиз...

Ҳофиз унинг сўзини бўлди:

— Ҳаммаси худодан, ўғлим. Меҳрибон Аллоҳдан! Куй-қўшиқларидаги оҳ-нолалар Яратганга етиб, умидворларга соғлом фарзанд ато этган экан, ана у ҳозир ширингина қизча. Соҳир нафас ҳофиз ҳам ўзида йўқ хурсанд эди.

Мухаммад ШОДИЙ

ALOQACHILAR IJODIDAN

ЭР ЯХШИМИ  
ЁКИ ТЕЛЕФОН

(Ҳазим шеър)

Эрим асли ёмонмас — хушқачқак ва ҳазилкаш, Телевизор кўришдир унинг сеvimли иши. Фақат бир камчилиги — рўзгордан оғиз очсам, Эшитишни истамас, йўқдир асло ташвиши.

Бир оз холи ўтириб қолса тошдек қотади, Паровоздек пишқириб дарҳол хуррак отади. Дунё билан иши йўқ, шундай ўтади кунни, Ҳатто булдозер билан кўзгагиб бўлмас уни.

Бу ҳолга чидаш учун сабр қайла, куч қайла? Хаёлимда бир фикр чарх уради айланиб. Қандай қилсам танбал эр келар бир оз инсофга, Бирор иш бошин тутиб, қолар унга боғланиб?

Жанжалдан ҳеч фойда йўқ, бормадим мену сизга, Бор дарду ҳасратимни айтдим бир қўшни қизга. Қақажон қиз тушмагур шуми дардингиз, деди, Менга эртароқ айтиб, тезроқ қутулинг эди.

Телефон сотиб олинг, эскимми ёки янги, Фарқи йўқ рақамининг, оқ ёки қора рангли. Кўнгироқ бўлганида қаттиқроқ жирингласин, Жиринглаган чоғида бир аёл ҳирингласин.

Хуллас, қақажон кўшним менга роса ўргатди, Режасин мақтайвериб жойимдан ҳам кўзгатди. Навоий кўчасига борганим билмай қолдим, Кўзларимни чирт юмиб телефон сотиб олдим.

Уйдаги жўн телефон кеча-кундуз жиринглар, Телефондаги аёл дам ўтмайди ҳиринглар. Эрим эса жиг-бийрон кўтармас гўшагини, Кўчиб кетгудек бўлар кўлтиқлаб гўшагини.

Оламан у гўшакни, бу гўшакни қўяман, Тепса тебранмас эрим асабини ўяман. Ошхона-ю телефон ўртасида чопаман, Ўзим ҳам югур-югур, чоп-чопидан тўяман.

Натижа бундай бўлди: бир кун калла саҳардан, Шаҳдам йўл олди эрим яқиндаги гузарга. Йўқ, нотўғри ўйлабман, танбаллигига йўйиб, Билсам ишга кирибди гузардаги дўконга.

Машмашага вақти йўқ Ўрикзорга чопади, Тонгда барака бор деб, дўконини очади. Бугун Карвонбозорда, эртаси режаси бор, Қарасам танбал эрим бўлиб қолди тadbиркор.

Шукур, рўзгоримизга барака кириб қолди, Эрим тadbиркорликнинг ҳадисин билиб олди. Рўзгор-ку бутликка бут, лекин эр йўқ ёнимда, Телефонданми, мендан безиган хаёлимда.

Розиман бошқасини топган бўлса майлига, Кучи етганча борсин сарсон кўнгили сайлига. Ростин айтай аёллар, ўлчамайин бичманг тўн, Кимни танлай — яхшиси эрми ёки телефон?

Матлуба НАСРИДДИНОВА,  
“ТШПТ” филиали ходими

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шохўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p>										
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p>		<p>Обуна индекси — 228.</p>										
<p>Тижорий материал — ❌</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Набатчи: Усмонов ЙҮЛДОШЕВ.</p>											
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқари</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-302 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Адади: 18748 нуска.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топшириди — 20.00. Босишга топшириш вақти — 20.00.</p>									
<p>Видеот муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 226-61-85</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 226-87-71</p>	<p>Қаршида 314-08-99</p>